

Ishonch

2019 йил 17 январь • пайшанба • № 9 (4138)

Ўзбекистон қасаба уюшмалари Федерацияси нашри • Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган • www.ishonch.uz • e-mail: xatlar@ishonch-doverie.uz

Президент ташрифидан сўнг

Орол бўйида катта ўзгаришлар Мўйноқ қайта туғилмоқда

Президентимиз Шавкат Мирзиёев 2018 йил 15-16 ноябрь кунлари Қорақалпоғистон Республикасига ташрифи давомида Мўйноқ тумани аҳолиси билан ҳам мулоқотда бўлиб, бу ерда кўп қаватли иморатлардан ташқари ободонлаштириш ишлари амалга оширилиши, Янги шаҳар – Мўйноқ City қурилиши борасида қимматли фикрлар билдирганди.

2019 йил Мўйноқ аҳолиси учун қутлуғ ва барқалиб бошланди, десак асло муболаға бўлмайди. Туман маркази кўз ўнгимизда янги қиёфа касб этаётгани бизни шундай фикрлашга ундамоқда. Кўп қаватли иморатлардан ташқари 14 тасининг пойдевори учун ҳандақ қазих ишлари бошлаб юборилди.

– Мўйноқ марказида ҳар бири 24 хонадон учун мўлжалланган 4 қаватли 20 та турар-жой барпо этилиши режалаштирилган, – дейди туман ҳокимлиги бош мутахассиси Мухтар Ҳатиров. – Ажиниёз кўчасида 1000 ўринли очик театр қурилиши учун ер ажратилди. Маданият марказида ҳамда марказий стадионда реконструкция ишлари бошланди.

Бугун бу ердаги ўзгаришлар, кичик саноат зонасида бирин-кетин ишга туширилаётган корхоналар, фойдаланишга топширилган маданий-маиший объектлар ва кўп қаватли уй-жойларни бунёд этиш ишлари беихтиёр фахр-ифтихор туйғуларини жўш урдиради.

– «Мўйноқ гербиш» масъулияти чекланган жамиятини таъсис этдим, – дейди нукуслик Нурмухаммед Турдиқулов. – Корхона учун ер майдони ажратиб берилса, апрель ойига бориб ҳар куни 100 минг донга пишган фишт ишлаб чиқариш қувватига эга завод ишга туширилади.



3 >

КУН НАФАСИ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Таълим сифатини назорат қилиш тизимини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори қабул қилинди.

Президентнинг «Е-мой тармоғини янада ривожлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар ва соҳани бошқаришда бозор механизмларини жорий этиш тўғрисида»ги қарори қабул қилинди.

Давлатимиз раҳбари «Андижон-фарм» эркин иқтисодий зонасини ташкил этиш тўғрисида»ги фармонга имзо чекди.

Президентнинг «Суд экспертиза фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори қабул қилинди.

«Умумий ўрта таълим муассасасининг Кузатув кенгаши ҳақида»ги намунавий низом давлат рўйхатидан ўтказилди.

«Хўқўқий ахборот» канали

Дилшод Раҳимов Бош прокуратура ҳузуридаги Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш департаменти бошлиғи лавозимига тайинланди.

Маҳмуд Истамов ва Худойёр Мелиев Адлия вазирининг ўринбосари этиб тайинланди.

«Бухоро-Урганч-Хива» йўналиши бўйича илк темирйўл қатнови йўлга қўйилди.

«Барқамол авлод» марказида болаларга робот ва дастурларни ишлаб чиқишни ўргатиш имконини берувчи «RoboCrafts» ихтисослаштирилган курслари очилмоқда.

Зарафшон миллий табиат боғида сайёҳлар давоми ва қисқа муддатли дам олиши мумкин бўлган курорт ҳудуди ташкил этилади.

Тошкентдаги немис тилини қуқурлаштирилган ҳолда ўқитиш бўйича 60-сонли ихтисослашган мактабга немис шoirи ва мутафаккири Йоганн Вольфганг фон Гёте номи берилди.

Олий Мажлис Сенати 100000 (юз минг) сўмлик банкнот намунаси ва дизайнини маъқуллади.

Тошкентдаги 324-давлат мактабга таълим муассасаси Жанубий Корея стандартларида реконструкция қилинди.

Бундан бунён Жисмоний тарбия ва спортни ривожлантириш жамғармаси кузатув кенгашига Бош вазир раислик қилади.

Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги матбуот хизмати

Қозоғистоннинг Олмаота шаҳрида ўтказилган математика, физика ва информатика фанларидан Жаутиков номи 15-Халқаро олимпиадада ўқувчиларимиз 10 та медални қўлга киритди.

Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги матбуот хизмати

2019-2020 ўқув йилида Ҳиндистон ва Покистоннинг 300 талабаси Абу Али ибн Сино номидаги Бухоро давлат тиббиёт институтида ўқишни бошлаши кутилмоқда.

Таассурот

Кетмонов матбуотга қаршими?

Олий Мажлис Қонунчилик палатасида Халқ Демократик партияси раҳбари иштирокида ўтказиладиган матбуот анжуманини ёритиш менинг чекимга тушди.

Фракция фаолияти ҳақидаги ҳисобот тугагач, раҳбарга савол билан юзландим:

– Бугун партия нашри «Ўзбекистон овози» бор-йўғи 4600 нусхада чоп этилмоқда. «Голос Узбекистана» эса ёпилиш арафасида. Эшитишимча, бунинг асосий сабаби Сизнинг тахририят билан келиша олмаётганингиз билан боғлиқ экан. Биринчидан, партиядан шунча катта куч бўла туриб, нега обунга тарғибот қилинмади? Партия марказий кенгаши томонидан ҳудудий партия ташкилотларига обунани ташкил этишни тўхтатиб туриш бўйича топшириқ ҳам берилганлигини айтишмоқда. Жорий йилда парламентга сайловлар бўлиб ўтишини инобатга олсак, бу ҳол партия раҳбарини кенг оммага етказиш имкониятларини бир мунча пасайтирмайдими?

2 >

Ўзбекистон қасаба уюшмалари Федерацияси раҳбарияти ва масъул ходимлари, тизимдаги ташкилотлар раҳбарлари Капитал қурилиш бошқармасида бўлиб, бу ерда бунёдкорлик ва ишлаб чиқариш соҳаларида амалга оширилаётган ишлар билан яқиндан танишдилар.

Янги имкониятлар сари



Капитал қурилиш бошқармаси бошлиғи Ҳайдар Фозиллов ҳар бир қурилиш лойиҳаси ҳақида алоҳида тўхталар экан, барпо этилажак иншоотларнинг ўзига хос жиҳатларини изоҳлаб ўтди. Жумладан, Тошкент шаҳрида жойлашган «Чинобод» санаторийси ҳудудида 100 ўринли ётоқ ва даволаш биноси, Тошкент вилояти Паркент тумани Заркент қишлоғида 100 ўринли санаторий, пойтахтимиздаги «Яккасарой» спорт мажмуаси ҳудудида ёпиқ сузиш ҳавзаси ва спорт зали ҳамда бошқа қурилиш объектлари лойиҳалари ҳар томонлама пишиқ-пухталиги билан барчанинг эътиборини тортди.

Танишув жараёнида қурилиш лойиҳаларининг тўла-тўқислигини таъминлашга қаратилган қимматли таклифлар билдирилди.

2 >

Фаолият билан танишув

Долзарб мавзу

Эшитганингга эмас, ёққанингга ишон

ёхуд газ таъминоти чиндан яхшиландими?

Янги йил водий вилоятлари аҳоли учун хушхабар билан бошланди: ойнаи жаҳон орқали 31 декабрдан бошлаб Фарғона водийси истеъмолчиларига табиий газ етказиб бериш бошланганлиги маълум қилинди.

«Энди газ ўчмас экан, босим кўтарилар экан...». Бу гаплардан, ҳатто, газ тармоғидан аллақачон узилган ҳудудлар аҳолисида ҳам умид учкунлари пайдо бўлди.

Кўшни Қозоғистон Республикасининг «КазТрансГаз» компанияси билан музокаралар ўтказилиши натижасида Фарғона водийси истеъмолчиларини бир маромда ва барқарор табиий газ билан таъминлаш бўйича муҳим келишувга эришилгани барчани мамнун қилди.

Хўш, бу қувончли хабардан сўнг водийда, хусусан, Фарғона вилоятининг Данғара туманида аҳвол ўзгардими? Ҳақиқатан ҳам хонадонлар, ижтимоий объектлар барқарор ва юқори босимли табиий газ билан таъминланмоқдами?

Халқимизда шундай гап бор: «Эшитганингга эмас, кўрганингга ишон». Биз ҳам унга амал қилган ҳолда шу саволларга жавоб излаб, жойларда бўлдик.

4 >



2 >

Келгуси сонларда ўқинг

Уч узук қиссаси



Жавоб излаётган саволлар



